


Эски йилдан қолмади армон, Янги йилдир яна ғарозон!



Ўзбекистон
Иқтисодий-саноат
газетаси

ТУРКИСТОН

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1995 йил 30 декабрь. Шанба. № 46 (14298)

ترکستان

TURKISTAN

Сотувда эркин нархда

ТИНЧЛИК, БАҲҚАРОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЭНГ ЭЗГУ МАҚСАДИМИЗДИР

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ ВА РЕСПУБЛИКАДА
ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ



АНЪАНАВИЙ УЧРАШУВ

29 декабрь куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Тошкент вилоятида жойлашган Қайнарсой қароргоҳида хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг республикадаги ваколатхоналари раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий журналистлар билан навбатдаги учрашув ўтказди.

Президент Ислам Каримов дипломатлар ва журналистларни яқинлашиб келаётган янги йил билан қутлади. Уларга жорий йилнинг август ойидаги учрашувдан буён ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, юртимизнинг хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан мустақамланаётган алоқалари, шунингдек, Ўзбекистон

раҳбариятининг айрим халқаро ва минтақавий муаммоларга муносабати ҳусусида сўзлаб берди. (Ўзбекистон раҳбарининг учрашувда сўзлаган нутқи матбуотда эълон қилинмоқда.)

Президент Ислам Каримов журналистлар ва дипломатларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди. Учрашувда Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Х. Халилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, республика Бош вазирининг ўринбосарлари ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎЗА).

Хурматли дипломатия миссияларининг бошлиқлари, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, хонимлар ва жаноблар!

Янги 1996 йил арафасида сизларни, дипломатия корпу- си раҳбарлари ва ходимларини, ахборот воситаларининг вакиллари чин қалбимдан янги йил билан табриклаб, ҳаммагизга сўхат-саломат- лик, бахт-саодат, эсон-омон- лик ва мамлакатларингизга ра- внақ тилайман.

Янги йил арафаси — ажой- иб пайт. Ҳамжамият булажак янги дунёга назар ташлаб, ўз фаолиятидаги муҳим давр яқунларини чиқармоқда. Шу кунларда биз ҳам Ўзбекис- тонда ана шундай сарҳисоб ишлари билан машғулмиз.

Биз эзгу мақсадимизга эришдик, — янги давлатимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшил- ганини мен ҳал қилувчи ма- сала деб биламан.

Мен ташқи сийosat маҳка- маларининг барча вакилла- ридан ҳамда мамлакатларин- гиз ҳукуматларидан курашган ердан ва халқаро майдонда Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқ- лигини эътироф этганлари учун самимий миннатдор- ман.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислам КАРИМОВ
жаноби олийларига

Янги йилда Сизга барча эзгуликлар ер бўлишига тилакдошимиз.

Корея Республикаси Президенти
Ким Енг Сам рафиқаси билан

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислам КАРИМОВ
жаноби олийларига

Янги йилда Сизга бахт-саодат ва раvнақ тилаб билдирган эзгу истакларимизни қабул этгайсиз.

Дания кироличаси
Маргрете II ва шаҳзода Хенрих

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислам КАРИМОВ
жаноби олийларига

Сизни янги йил билан самимий қўтлаймиз ва янги йилда барча эзгуликлар Сизга ер бўлишини тилаймиз.

Мальта Бош вазири
Эдуард Фенех Адани рафиқаси билан

Ўзбекистон
самимий

БОЛАЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ

Хужайли шаҳридаги бола- лар уйи тарбияланувчилари- га янги йил айниқса қувон- чли келди. Байрам арафа- сида уларга мамлакатимиз Президенти Ислам Ка- римовнинг совғалари топши- рилди. Уни Қорақалпоғис- тон Республикаси Жуқорғи Кенгеси раиси У. Аширбе- ков топшириб, кичкин- тойларни янги йил билан са- мимий табриклади. Ранг- ба- ранг уйинчоқлар билан бе- затилган арча атрофида бо- лаларнинг уйин-қўлулари, мусиқа садолари кун бўйи янгради.

Нукус шаҳридаги ўқувчи- лар саройида, Мўйноқ тум- нидаги Учсой балкичилар овулида ҳам болаларга Пре- зидент совғалари топширил- ди.

Бутун мамлакатимиздаги- дек, Жиззах вилояти мактаб- лари, боғчалари ва меҳри- бонлик уйларида янги йил байрами шоду хушроқлик билан қўтиб олинмоқда. Ви- лоят ҳокими А. Тошкент- боев бир неча боғча ва меҳ- ribbonлик уйларида бўлиб, у ерда тарбияланаётган кичкинтойларга Президен- тимиз Ислам Каримовнинг янги йил совғаларини топ- ширди.

Давлатимиз раҳбари Ис- лом Каримовнинг болалар- га янги йил совғалари Қаш- қадарга ҳам етиб келди. Бу совғалар байрам кунлари меҳрибонлик уйлари, мах- сус интернатларнинг тар-бияланувчилари, ердамга муҳтож ҳамда кам таъмин- ланган оилаларнинг кич- кинтойларига қувноқ арча атрофида тантанали равиш- да топширилди.

(ЎЗА)



Киш сурури.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан АЖДОДЛАР ОЛДИДАГИ БУРЧ

1991 йил 10 июнда республи- камиз ёшлари ташаббусида кура, «Амир Темур утган йўллар бўйлаб» илмий экспедицияси таш- қил этилган эди. Бу ташаббусни аввало собиқ «Еш ленинчи» (хо- зирги «Туркистон») жамоаси қўла- б-қўллаб, унинг ҳаракатида келинчада катта роль ўйнаган эди. Шунингдек, республикаимизнинг етук тарихчи олимлари ҳам бу хайрли ҳаракатдан четда туриш- маганди.

Экспедиция сафарини дастлаб соҳибқирон Амир Темур тавал- луд топан жой — Кеш, ҳозирги Шаҳрисабз яқинидаги Хужайтюр қишлоғидан бошлади. Шундан сўнг Қашқадарё воҳаси, Бухоро, Самарқанд, Жиззах вилоятлари бўйлаб юриш бошланди. Амир Темур билан боғлиқ турли ман- балар урганилди. Бу ҳақда фильм яратилди, «Туркистон» газетаси- да узлуксиз мақолалар есиб бо- рилди.

1992 йил экспедиция ўз сафа- рини Жанубий Қозғистон бўйлаб давом эттирди. У ерлар- да Темур ва теурийлар фаоли- ятига оид бир неча қизиқарли ман- балар топилди муваффақ бўлди. Экспедициянинг учинчи сафари Тожикистон, Қирғизистон, Фар- гона йуналишлари бўйича амал- га оширилди. Бу сафарлар ҳам жуда муваффақлиқ билди, ҳа- ли урганилган кўпгина манба- лар тўланди. Экспедиция жамоа- си соҳибқирон бобомиз қурдир- ган тарихий обидаларни қўриш- га муваффақ бўлди. Биби Увай- до, Пошшо Пирим, Бустон бу- ва, Санит Булон мақбаралари шу- лар жумласидандир. Шайх Му- слайхиддин ва Султоним мақба- ралари Амир Темур томонидан қайта таъмирланганлиги аниқлан- ди. Кейинги сафар Тошкент ви- лояти бўйлаб ўтди. Оққўрғонда- ги Шоҳрухия шаҳри ҳақида жуда кўп материаллар йиғилди. Чиноз- даги лой жанги тарихи кечган жойлар суратга олинди. Шу-

нингдек, Тошкент шаҳрида соҳиб- қирон қурдирган масжид ва мак- баралар аниқланди. Шоҳ Азиз ав- лоди масжиди, Шоҳ Зайноддин бо- бо мақбараси, Зангиотў мақбара- си тарихлари экспедиция томо- нидан қайта ўрганилиб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти Фар- монига биноан 1996 йил Амир Те- мур йили деб эълон қилинди. Бу ўз вақтида экспедициянинг илмий жамоасини янада руҳлантириб, ке- лажакдаги илмий изланишларига янада катта имкониятлар ярат- ди.

Экспедициянинг яқин орада амалга оширилган мақсади Эрон давлатига қилинганда сафардир. Ҳозирги кунда сафар йўналиши ҳаритаси ишлаб чиқилди. Хари- та муаллифлари Самарқанддаги Марказий Осени урганиш хал- қаро тарих институти директори, тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов, Шарқшунослик инсти- тути илмий ходими, теурийшунос олим Турғун Файзиевлардир.

Сафарга Республиканинг та- никли олимлари жаб қилинди. «Узэлектроаппарат» ишлаб чи- қариш бирлашмаси, «Оқсарой» фир- малари ҳомийлик қилиш иста- кларини билдирди.

Республика телевидениеси си- сий-ижтимоий курастулар таҳри- рияти ижодий ходимлари билан ҳамкорликда «Амир Темур утган йўллар» деб номланган кўп ки- смли фильм яратилмоқда.

Шунингдек, Республика Еш- лар Иттифоқи Марказуми, «Тур- кистон» ижодий жамоаси ташаб- буслари билан Тошкент тумани ҳудудида Амир Темур боғини таш- қил этиш режалаштирилди.

Буюк бобомиз Амир Темур ру- хи покнинг шод этиш биз авлод- лар учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Фахриддин
АШРАФХУЖАЕВ,
«Амир Темур утган
йўллар бўйлаб» илмий
экспедицияси раҳбари.

ЙИЛ КИРГАН КҮН КАБИ ҲАР ЛАҲЗА АЗИЗ

Йил келди.
Йил келди очик эшикдан,
Сирли қочқинни
бўзидан тутиб,
Чақилмаган ёнғок.
Ёки бешикдан
ечилмаган гўдак...
Ё туғун туғик.
У нелар келтирди—
омир,
ё ташвиш?
Сирли қочқинда
қанд-курсми,
намак?
Қорбобо бир қушқик
тирик намойиш,
Йил эса,
Умрга
бир варақ безак!
Ладангаимиз
кўп бор
бозор айланб,

Тоғир деганимиз
чайқовчи чиққан.
Лекин
подимамиз,
юрмаймиз яниб,
Арслон келатли
элмиз —
чиникқан.
Шукрки,
ёш бола эмасмиз
бу кун,
Фойдаю зарарни
фарқлай оламиз.
Истаймизки,
бўлсин
дастурхон тўқин,
Йил кирган кун каби
ҳар лаҳза азиз!
Кароматлар қилиб,
умидвор бўлиб,
Шундан-да,
йилларга номлар қўймиз.

Гоҳ товўқ
гоҳ маймун,
гоҳ таздор билиб
Тўғиз деб ном бериб
севиб — сўямиз.
Истаймизки
номлар инсоний бўлса,
Ҳислатлар ҳам,
шарҳ ҳам
инсонга монанд.
Инсоф йили бўлса,
инсон туғилса,
Йилмон йили бўлса
меросхўр фарзанд.
Токи Темур ингли
мағрур, мардона
Белгилаб қўйгайди
машварат кунин.
Узимизга боғлиқ
бу ёғи,
зора
Узимизга қолса
ҳар қандай туғун...

Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон — Ватаним маним

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
Республикамиз мустақилли-
гининг 5 йиллигига бағиш-
ланган «Ўзбекистон — Ва-
таним маним» мавзусида қўшиқ-
лар кўрик-танловини ўтказиш
йилдаги энг катта воқеалар-
дан бири бўлди. Мухбири-
миз кўрик-танлов ҳайъати
аъзоси шоир Карим БАХ-
РИЕВ билан шу мавзуда суҳ-
батлашди.

— Карим ака, аввало
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
мазкур қарори ва унинг
аҳамияти ҳақида гапир-
сангиз?

— Қарорда таъкидлаб

айтилганидек, янги давлатчи-
лигимизни барпо этиш, ҳам
сиёсий, ҳам маънавий, ҳам иқ-
тисодий таъминлаш, мамлақати-
мизнинг дунёда ўзининг қадим-
ий ва бой тарихи, замонавий
салоҳиятига муносиб ўринни
эгаллаши, истибодд асорати-
дан буткул халос бўлган озо-
д ва обод юртининг ҳақиқий эга-
лари бўлиши мағрур ва собит
фарзандларни камолга етка-
зиш — бугунги давримизнинг
энг долзарб вазифасидир.

Шунга кўра, озо-д Ватани-
мизни ва унинг халқини улғу-
лайдиган, кексаю-ёш, шу азиз
юртни паноҳ тутган ҳар бир
инсон жўр бўлиб қўйлайдиган
янги, замонавий қўшиғимиз

бўлиши керак эди. Қолавер-
са, танлов истиқлол, Ватан
мавзусида яратилган қўшиқлар-
ни саралаш, ижодкорларни
илҳомлантириш ва рағбатлан-
тириш мақсадида ўтказилди.

— Ушбу қарорни амалга
ошириш учун мўътабар
ташқилий қўмита ва ҳайъ-
ат тузилди. Ҳайъат аъзоси
сифатида қилинаётган иш-
лар ва режалар ҳусусида
ҳам тўхталсангиз?

— Матбуот, радио, телеви-
дение орқали ҳайъат аъзола-
ри кўрик-танловнинг мақсад-
ларини, тартибини тушунтириб

бормоқдалар. Маълумки, тан-
лов икки босқичда ўтади. Би-
ринчи босқичда танлов Қора-
нқалпоғистон Республикаси, ви-
лоятлар ва Тошкент шаҳрида
ўтказилди. Иккинчи босқич-
да эса ғолиблар жумҳурият
миқёсида беллашадилар. Айни
пайтда ҳайъат аъзолари ғуруҳ-
ларга бўлиниб, вилоятларга
сафарга чиқмоқдалар.

Кўриқнинг қўлами кенг: би-
ринчидан, унда олис саҳролар-
да сурув ҳайдаб, най чалиб
юрган хаваскордан тортиб, энг
таникли ижодкорларгача қат-
нашиши мумкин; иккинчидан,

жанрлар ҳам чекланган эмас,
яъни яккахон хонанда, даста
ижрочилари, жўровозлар ҳам
қатнашавердилар. Бу қўшиқ
лапар бўлиши ҳам мумкин.
Энг асосийси, истеъдод бил-
дан ёзилган бўлса, халқнинг
юрагига етиб борса, бас.

Ушбу кўрик-танловда ғоли-
б бўладиган қўшиқларни
бутун халқ ўз ижодидек се-
виб, ардоқлаб, яхши-ёмон
кунларида айтиб юриши, ун-
га суяниши лозим. Қўйилган
талаб шу даражада юксакдир.

Суҳбатдош: С. РАУФ.

АРДОҚЛИ ҚЎШИҚ БЎЛСИН



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 1996 йилни «АМИР ТЕМУР ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Буюк давлат арбоби Амир Темур туғилган куннинг 660 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз жамоатчилигидан тушаётган кўплаб таклифларни инобатга олиб, унинг давлатчилики барпо этишдаги, фан, таълим ва маданият тараққиётидаги улкан хиссасини назарда тутиб,

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллиги жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланиши тўғрисидаги қарорига эътиборан халқаро ва республика миқёсида тадбирлар ўтказилаётганлигини ҳисобга олиб,

Ўзбекистон фуқароларининг, ёш авлоднинг миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини янада ривожлантириш мақсадида

1996 йил «Амир Темур йили» деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 декабрь.

Соҳибқирон йили барчамизга бахт келтирсин!

Туркистон

Далв - Январь

д	1	8	15	22	29
с	2	9	16	23	30
ч	3	10	17	24	31
п	4	11	18	25	
ж	5	12	19	26	
ш	6	13	20	27	
я	7	14	21	28	

Хут - Февраль

д	5	12	19	26
с	6	13	20	27
ч	7	14	21	28
п	1	8	15	22
ж	2	9	16	23
ш	3	10	17	24
я	4	11	18	25

Ҳамал - Март

д	4	11	18	25
с	5	12	19	26
ч	6	13	20	27
п	7	14	21	28
ж	1	8	15	22
ш	2	9	16	23
я	3	10	17	24



Савр - Апрель


д	1	8	15	22	29
с	2	9	16	23	30
ч	3	10	17	24	
п	4	11	18	25	
ж	5	12	19	26	
ш	6	13	20	27	
я	7	14	21	28	

Жавзо - Май

д	6	13	20	27
с	7	14	21	28
ч	1	8	15	22
п	2	9	16	23
ж	3	10	17	24
ш	4	11	18	25
я	5	12	19	26

Саратон - Июнь

д	3	10	17	24
с	4	11	18	25
ч	5	12	19	26
п	6	13	20	27
ж	7	14	21	28
ш	1	8	15	22
я	2	9	16	23



1996
йил

АМИР ТЕМУР ЙИЛИ

Туркистон

Асад - Июль

1	8	15	22	29
2	9	16	23	30
3	10	17	24	31
4	11	18	25	
5	12	19	26	
6	13	20	27	
7	14	21	28	

Сунбула - Август

5	12	19	26
6	13	20	27
7	14	21	28
1	8	15	22
2	9	16	23
3	10	17	24
4	11	18	25

Мезон - Сентябрь

2	9	16	23	30
3	10	17	24	
4	11	18	25	
5	12	19	26	
6	13	20	27	
7	14	21	28	
1	8	15	22	29



Акраб - Октябрь

7	14	21	28
1	8	15	22
2	9	16	23
3	10	17	24
4	11	18	25
5	12	19	26
6	13	20	27

Қавс - Ноябрь

4	11	18	25
5	12	19	26
6	13	20	27
7	14	21	28
1	8	15	22
2	9	16	23
3	10	17	24

Жадди - Декабрь

2	9	16	23	30
3	10	17	24	31
4	11	18	25	
5	12	19	26	
6	13	20	27	
7	14	21	28	
1	8	15	22	29

Азиз юрtdошлар! Ўзбекистон Республикаси Халқ
банки Сизларни Янги йил билан ин дилдан қутлайди.
Халқ банки ҳамisha Сизларнинг хизматингизда.

